

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 104-ҳадис

104 – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِيَّاكُمْ وَالظَّنَّ، فَإِنَّ الظَّنَّ أَكْذَبُ الْحَدِيثِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **“Гумондан четланинглар. Чунки гумон сўзнинг энг ёлғонидир”**, дедилар”.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Мусулмон киши аҳли аёли ва биродарлари ҳақида ёмон гумон қилмайди. Уларни амалларини доим яхшиликка йўяди. Зеро, ёмон гумон-разолатга мойил нафсга ва шайтон васвасасига йўл очиши маълумдир. Киши бошқа инсонга нисбатан нотўғри, ёмон гумонга асосланиб, шошилич ҳукм чиқарса, натижада хижолат бўлиб қолиши ҳам кўп ҳолда кузатилган. Мусулмон киши биродарлари хусусида яхши гумонда бўлиши лозим. Чунки яхши гумон -Ислом умматининг бирлиги асосларидандир. Ёмон гумонда бўлишнинг натижаси- биродарига нисбатан ёмонлик, адоват ва нафратни келтириб чиқаради. Шундай экан, мусулмон кишининг шаънига ёмон гумон қилишдан эҳтиёт бўлмоғимиз лозим.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Мусулмонларни ёмон гумондан огоҳлантириш.
2. Гумон- ҳақиқатни очиб бермайди.
3. Гумон -шайтон учун эшикларни очиб беради.
4. Гумонга қурилган гап- ёлғон сўздир.

Манба: hadis.islom.uz

